



Ўзбекистон — Корея Республикаси:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

СЕУЛ. 28 май. ЎЗА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 май куни давлат таширифи билан Сеул шаҳрига келди.

Таширифнинг иккинчи кун Президентимизнинг Корея Республикаси мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки қўйилган Миллий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиши билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари ватанпарварлар хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, Ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Корея Республикаси раҳбарининг "Чонг Ва Дэ" ("Мовий сарой") қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул олдида ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари саройнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Ислам Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги музокарасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстликдан қувват олади. Афросиёб деворида акс этган Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Чосон элчисини қабул қилиш маросими мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб тақаллишдан далолат беради.

Ўзбек ва корейс халқларининг маданияти, менталитети ўхшаш. Ватанпарварлик, меҳнат-севарлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, сабр-матонат каби ғазилатлар уларга бирдек хосдир. Тақдир тақозиси билан бир пайтлар юртимизга келиб қолган корейслар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланган. Корейс миллатига мансуб ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида уларнинг 300 нафарга яқини давлат мукофотлариغا сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси алоқалари 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация асосида изчил ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ва халқларимизнинг муштарак интилишлари самарасида бу муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Ислам Каримов Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шерик эканини, очиклик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорликни юксак қадрлашини алоҳида таъкидлади. Жанубий Корея юксак даражада ривожланган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида дунёда эътибор қозонганини қайд этди.

Пак Кин Хэ Ислам Каримов Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганидан кейин давлат таширифи билан биринчи бўлиб Жанубий Кореяга келгани ушбу мамлакат халқи учун қувончли воқеа, томонларнинг олий даражадаги аънавий мулоқотларни давом эттириш ва янада ривожлантиришга қатъий интилиши ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлади.

Томонлар бир-бирининг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик қўллаб-қўллар масалалар бўйича нуктаи назар ва ёндашувлар ўхшаш ёки яқиндир.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасининг Корея яриморали, умуман, Осиё-Тинч океани минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги қўқур ўйланган, ҳар

томонлама мувозанатли ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Корея Республикаси мамлакатимизнинг Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сарф-ҳаракатларини, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, барча давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш сиёсатини юксак баҳолайди.

Мамлакатимиз Жанубий Кореянинг "Евроосиё ташаббуси"ни қўллаб-қувватлайди. Шу муносабат билан томонлар ушбу концепцияни амалга ошириш йўлида, авваламбор, транспорт ва транзит соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдирдилар.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш, сув тақсислиги муаммоларини бартараф этиш масалаларида ҳам ҳамфикрдир.

Парламентлараро алоқалар ривожланмоқда, ҳукумат делегациялари ўртасидаги таширифлар сони ва самарадорлиги ортмоқда. Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири ҳамон давом этаётгани, жаҳон бозори беқарор бўлиб турганига қарамайдан, Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодиёти изчил ўсиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" самарасида барча соҳалар жадал ривожланмоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Пак Кин Хэ ташаббуси билан қабул қилинган "креатив иқтисодиёт" модели муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу Жанубий Корея иқтисодиётини янада жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳамкорлиги кенг қўлам касб этган. Савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобилсозлик, тўғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби қўллаб-қўлларни қамраб олган.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзбекистонда корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 68 таси тўла ушбу мамлакат капиталли асосида тузилган. Юртимизда Жанубий Кореянинг 79 компанияси ваколатхоналари очилган.

2014 йили Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга таширифи чоғида имзоланган битим ва келишувлар ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлади. Ўтган йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистон автомобилсозлигига ҳам мустақиллигининг илк йилларида Жанубий Кореялик шериклар билан ҳамкорликда асос солинган. Эндиликда бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Автомобилсозликка ихтисослашган ўнлаб замонавий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳага Жанубий Кореянинг 20 компанияси жалб қилинган, 17 қўшма корхона тузилган.

➤ Электорат билан юзма-юз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги янги шаклланган фракциялар олдига замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, парламент фаолиятини тубдан яхшилаш, хусусан, депутатларнинг сайловчилар билан иш-лашини янада жонлантириш бўйича аниқ вазифалар қўйилмоқда. Депутатлар қонун ижодкорлиги фаолиятида долзарб таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш учун сайловчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши зарур. Шундан келиб чиқиб, айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўзлари депутат этиб сайланган ҳудудларда сайловчилар билан учрашмоқда.



Амалий мулоқотлар

сайловчилар ва депутатларнинг ахборот алмашиш самарадорлигини оширади



➤ Анжуман



Фуқаролик жамияти ривожланишида

миллий менталитетнинг ўрни

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида "Кексаларни ёзозлаш йили" муносабати билан "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишида миллий менталитетнинг ўрни ва роли" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, тегишли вазирлик, ташкилотлар вакиллари, пойтахтимиз ва вилоятлардаги олий ўқув юрталари олимлари, ёш тадқиқотчилар, партия фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Ташаббуслар натижаси

жонқуярлик билан ишлашга боғлиқ

➤ Депутатлик гуруҳларида

Мамлакатимизда эртамиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб камол топтиришга катта эътибор қаратилиб, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси изчил таъминланмоқда.

Бу муҳим ва долзарб масалада умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Албатта, мактаб даргоҳларида таълим-тарбия олаётган фарзандларимизнинг билимдон, шижоатли, юксак маънавиятли, комил инсон бўлиб вояга етиши таълим-тарбия ишида жуда кўп оимларга боғлиқдир.


Янгича ёндашувлар

сиёсий куч фаоллигини оширади

➤ "Адолат"нинг адолатли аёллари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда шижоати баланд, илму маърифатли, замонга ҳамнафас аёллар фаол иштирок этиб, ўз салоҳияти иқтидорини намоён этмоқда. Шу билан бирга, сиёсий куч сафидаги ибратли фаолияти билан партияимизнинг обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шундай фаол сафдошларимиз орасида фарғоналик изланувчан олима, тadbirkor аёл, "Адолат" СДП Қувасой шаҳар кенгаши раиси Дилором Меҳмонова ҳам бор.

Маслакдошлар сафи кенгаймоқда



Эзгу ғазилатларни болаликдан шакллантириш тарбиячилардан ижодкорликни талаб этади



Маданият ва маънавият ривожига ҳисса қўшаётган ўқув маскани



Ўзбекистон — Корея Республикаси:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Давом. Бошқ. 1-бетга

Енгил саноат ҳамкорлигининг устувор соҳаларидан биридир. Бу йўналишда умумий қиймати 231 миллион доллардан ошди 10 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, "ДЭУ Интернэшнл" компанияси билан Фарғона ва Бухоро вилоятларида, "Шиндонг Энерком" ва "Текстайл Текноложиз" компаниялари билан Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ташкил этилган Ҳўжамчилик корхоналари мутафаккариятли иш юритилмоқда.

Тоғ-кон саноати соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик қилинмоқда. "Неоплант" компанияси билан ҳамкорликда техник кремний ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. "Шиндонг Ресорсес" компанияси билан вольфрам кони ўзлаштирилмоқда. Мамлакатларимиз мутахассислари ҳамкорлигида истиқболли углеводород конларини аниқлаш бўйича геология-қидирув ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муқобил энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш борасида ҳам улкан имкониятларга эга. Наманган вилоятида 130 кВт қувватли қуёш фотозлектр станцияси қурилиши бўйича синов тартибдаги лойиҳа мутафаккариятли амалга оширилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Корея Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда, барча жабҳаларга замонавий ахборот технологиялари кенг жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикаси, Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажикда режалаштириш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жанубий Кореялик мутахассислар юртимизда "электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашмоқда.

Давом. Бошқ. 1-бетга

Анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Н.Умаров конференция мавзусининг долзарблиги хусусида тўхталар экан, мустақиллик шарофати билан ўзлгимизни англаганимиз, урф-одат, анъана ва миллий менталитетимизга хос эзгу қадриятлар қайта тикланганини таъкидлади. Шунингдек, халқимизнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга бўлган интилиши, жаҳонда юксак тараққий этган мамлакатлар амал қилаётган демократик қадриятлар даражасига эришишда фуқароларимиз фаоллигининг ошиб бораётганлигини қайд этди.

— Айни даврда мамлакатимизда демократик жамият қуришда миллий менталитетимизда узок тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган демократик қадриятларни қайтадан тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, — деди Н.Умаров. — Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтини бўлган маҳалланинг ролини янги босқичга кўтариш борасида бир қатор қонунлар қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида миллий қонунчилик изчиллик билан такомиллаштирилиб боришмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда Конституциямизга ва бошқа тегишли қонунларимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ парламентга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини, маҳаллий кенгашларга ҳокимларнинг ҳисоботини эшитиш ваколатининг берилганлиги, аҳолининг ўзи сайлаган ва

ги устувор йўналишлари белгиланган Қўшма декларацияни имзоладилар.

Давлат раҳбарлари иштирокида ийрик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, табиий газдан олефин ишлаб чиқариш, таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, вазирликлар ва идоралараро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Президент Ислам Каримовнинг ташрифи доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати қарийб 7,7 миллиард АҚШ долларига тенг 60 ҳужжат имзоланди.

Томонлар ушбу давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари раҳбарлари — "Лотте групп" компанияси раиси Шин Донг Бин, "Лотте Кемикал" компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ху Су Ёнг, Корея газ корпорацияси президенти Ли Жонг Хони қабул қилди.

Мамлакатимизда мазкур корпорация ва компаниялар билан ҳамкорлик борасида яхши тажриба тўпланган. Хусусан, Корея газ корпорацияси, "Лотте Кемикал" ва "Эс-Ти-Икс Энержи" компаниялари консорциуми иштирокида Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилмоқда. Ийрик ва истиқболли лойиҳа сифатида бир неча халқаро муқофотларга лойиқ топилган бу мажмуа йилига 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш имконини беради.

Ўзбекистонда чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усуллари асосида ташкил этилган корхоналар кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда тўқсондан ортиқ давлат инвесторлари иштирокида ту-

зилган 4 мингдан зиёд корхона мутафаккариятли фаолият кўрсатмоқда.

"Лотте групп" раиси бундай қулай ишбилармонлик муҳитидан фойдаланиб, компаниянинг Ўзбекистондаги бизнесини кенгайтириш, нефть-кимё, туризм, қандолатчилик, савдо соҳаларига сармоя киритиш, мамлакатимизнинг йирик акциядорлик компанияларида акция пакетларига эга бўлиш истагини билдирди.

Корея газ корпорацияси раҳбари Ўзбекистонда иқтисодий таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларни юқори баҳолади ва уларда иштирок этишдан манфаатдор эканини тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари "Ханжин групп" ва "Кореан Эйр" компаниялари раиси Чо Янг Хони ҳам қабул қилди.

"Навоий" интермодал логистика марказида "Кореан Эйр" компаниясининг илғор тажрибаси, замонавий технологиялари ва самарали бошқарув тизими жорий этилган. Бир кеча-кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, йиғирматасамолётга хизмат кўрсатиш қувватига эга ушбу марказ Осиё ва Европа мамлакатларини боғловчи муҳим марказга айланган. Бугунги кунда мазкур авиахабдан Сеул, Милан, Брюссель, Франкфурт, Вена, Дехли, Мумбаи, Ханой ва бошқа шаҳарларга, жами 23 йўналиш бўйича парвозлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини изчил давом эттириш, "Навоий" интермодал логистика маркази фаолиятини кенгайтириш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи тафсилотлари мазкур мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ташаббуслар натижаси

жонқуярлик билан
ишлашга боғлиқ

Давом. Бошқ. 1-бетга

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг тарбияси билан боғлиқ масалалар сиёсий партияларнинг ҳам дастурий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳининг шу йил март ойидаги йиғилишида мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданияти, умумтаълим мактабларида ота-оналарнинг маблағлар йиғиш ҳолатлари таҳлили муҳокама этилган асосий масалалар қаторидан ўрин олгани ҳам бежиз эмас. Зеро, кейинги пайтларда мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданияти ҳақида кенг жамоатчилик томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилаётгани кўп кузатилмоқда. Республикаимиздаги мактаблар ўз ўқувчилари учун форма жорий этганлиги ҳам ҳаётий заруратдан келиб чиққанлиги барчамизга аён.

— Аммо, ота-оналарнинг фикрича, ўқувчилар формасининг ҳар бир мактабда фарқлиниши ҳам улар учун баъзи муаммоларни пайдо қилади, — деди халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Дилрабо Сайдуллаева. — Масалан, зарурат юзасидан бир мактабдан бошқа мактабга ўтиб ўқишни давом эттирган ўқувчининг ота-онаси фарзандига яна мактаб формаси тайёрлатиши ёки харид қилиши лозим бўлади.

Шу ўринда ота-оналарни ўйлантираётган яна бир масала хусусида айтиш жоиз. Бу ҳам бўлса, умумтаълим мактаблари 1-синф ўқувчиларининг "Алифбе" байрами ҳамда 4-, 9-синфларда битирув кечаларининг дабдабали ўтказилиши билан боғлиқ муаммодир. Негаки, бу тадбирлар ота-оналардан асоссиз равишда маблағлар йиғишга олиб келмоқда.

Шу каби ҳолатларни назарда тутиб, йиғилишда қабул қилинган қарорга мувофиқ, жорий йилнинг март ойида халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари М.Бобобекова томонидан "Мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданияти, умумтаълим мактабларида асоссиз равишда ортиқча маблағлар йиғиш тўғрисида"ги масала халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши "Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси" йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этилган эди. Шунинг баробарида халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи йиғилишида қабул қилинган Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгашининг "Умумтаълим мактабларида таълим соҳасига оид муаммоларни бартараф этиш" юзасидан 3 та банддан иборат чоратадбирлар дастури ҳам амалиётга изчил йўналтирилди.

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши "Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси"нинг 2015 йил апрель ойидаги йиғилишида: "Мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданияти, умумтаълим мактабларида асоссиз равишда ортиқча маблағлар йиғиш тўғрисида"ги масала алоҳида муҳокама этилди. Мухими, депутатлар долзарб аҳамиятга эга бўлган мазкур масалалар кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш лозимлиги, бу борада Самарқанд шаҳри миқёсида аҳоли ўртасида ўрганишлар ўтказишни мақсадга мувофиқ, деб топилди. Доимий комиссия йиғилишида кун тартибидagi ушбу масалани Самарқанд шаҳри миқёсида ўрганиш ҳамда халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш чораларини кўриш ҳақида қарор қабул қилинди.

— Жойларда бўлган учрашувларда фуқаролар мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданияти, мактабларда турли сабаблар билан ортиқча маблағлар йиғиш ҳолатлари учраётганлиги, шунингдек, барча мактаблар ўқувчилари учун бир хил форма кийишни жорий этиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида қуюниб айтишмоқда, — деди халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Ғанишер Раҳимов. — Ота-оналар бундай фикрларни ўзининг жиддий тақлифи сифатида ўртага ташлаётгани бизни бефарқ қолдирмади.

Депутатлар томонидан амалда ижобий самара бера бошлаган Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгашининг "Умумтаълим мактабларида таълим соҳасига оид муаммоларни бартараф этиш" юзасидан чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга ҳам келишиб олинди.

Албатта, ташаббусларнинг қозғошда қолиб кетмаслиги депутатлардан жонқуярлик билан ишлашни, муаммони ҳал этишда доимий саъй-ҳаракатда бўлишни тақозо этади. 2015 йил 15 майда халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати, доимий комиссия раиси Ғ.Раҳимовнинг "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Самарқанд шаҳар бўлинмаси бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи М.Халилова Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқаролар ўртасида қўридаги мавзу юзасидан анкета сўрови ўтказиш ҳақидаги депутатлик сўрови бўйича амалга оширилган ишлар жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ҳам яққол кўрсатди. Мазкур мавзуларга доир жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида тузилган анкета саволларига уларнинг берган жавоблари ҳам муайян таҳлил ва ҳулосалар қилишда амалий ёрдам берди, дейиш мумкин. Шундан келиб чиқиб айтганда, умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун мактаб формасининг жорий этилиши уларни, айниқса, дарс вақтида фикрини чалғитадиган ҳолатларнинг олдини олади. Бир хил кийим ўқувчиларни ҳар жиҳатдан тенглаштиради ва эътиборини тўлиқ дарсни ўзлаштиришга қаратади. Бола ҳам, ўз навбатида, мактабга фақат билим олиш учун боришини тушуниб этади.

Хозирги кунда "Мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданияти, умумтаълим мактабларида асоссиз равишда ортиқча маблағлар йиғиш тўғрисида"ги масалани халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш юзасидан иш олиб боришмоқда.

Шунинг баробарида бугунги кунда умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг кийиниш маданияти ва бошқа навбатда муаммоларни жойларда ўрганиш мақсадида тузилган анкета саволларига фуқароларнинг берган жавоблари асосида маҳалла фаоллари, ота-оналар, педагог ҳодимлар, кенг жамоатчилик фикрларини таҳлил этиб, умумлаштириб бориш, умумтаълим мактабларида ташкил этилган васийлик Кенгаши фаолиятини ўрганиш ва уларнинг ҳисоботини тинглаш каби масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Даврон МАНСУРОВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати мутахассиси

Фуқаролик жамияти ривожланишида миллий менталитетнинг ўрни

киллар, яъни депутатлар орқали ҳокимият тузилмалари фаолиятдан хабардорлигини ошириб, уларнинг онг-тафаккурда ижобий ўзгаришлар ясамоқда.

Умуман, ҳокимият билан омининг ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришини кенгайтириш мақсадида жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари босқичма-босқич кенгайтирилмоқда ҳамда уларнинг фаоллиги оширишга эътибор берилмоқда. Айниқса, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги роли ва ваколатлари ошиб бормоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўз иштирокини айнан миллий менталитетимизга мос вазифалар асосида белгилаб олган. Хусусан, партия миллий қадриятларини ўқиги саналган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тарафдори саналади. Биз ноёб ижтимоий

тузилма бўлган маҳалла институтининг бундан кейин ҳам такомиллашуви, аҳолини маъзили ижтимоий ҳимоя қилиш марказига айланиши учун унга давлат ваколатларини беришни қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, партия асрлар мобайнида халқимиз менталитетига сингиб кетган жамоатчилик назорати механизмининг қучайтиришни илгари суриб келмоқда. Чунки, айнан жамоатчилик назорати жамият билан давлатнинг самарали мулоқотини таъминлайдиган, фуқароларнинг қизиқишларини, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга муносабатини аниқлаб борадиган муҳим бўғинга айланиб бормоқда.


Конференцияда маъруза қилган Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректори, профессор М.Болтабоев мустақил йилларида миллий менталитет ривожининг ижтимоий-иқтисодий асослари янги қарашлар билан бойиб бораётганлигини эътироф этди. Айниқса, кекса авлод

вакиллари эъозлаш, улари давлат томонидан кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликлар миллий қадриятларимизга уйғун эканлигини таъкидлади. Бугунги кунда миллий маънавиятимизни юксалтириш, улуғ аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгу шуурига сингдиришга алоҳида эътибор бериллаётганга иштирокчиларнинг диққатини қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори А.Бегматовнинг "Менталитет ва миллий ўзликини аниқлаш", ЎЗМУ фалсафа кафедраси мудири Н.Шермухаммедовнинг "Сиёсий менталитет шаклланишига оид баъзи мулоҳазалар", Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори М.Бекмуродовнинг "Миллий менталитетда ижтимоий-маданий боғлиқлик даражаси" каби мавзулардаги маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Феруз ЖҲРАЕВ,
«Adolat» муҳбири

Худудий партия ташкилотларида



Маслакдошлар сафи кенгаймоқда

➤ БПТ — партия таянчи

Кейинги икки йил мобайнида Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилояти кенгаши фаолиятида бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Аини пайтда халқ депутатлари вилоят Кенгашида саккиз кишидан иборат партия депутатлик гуруҳи, еттига тумандаги ҳокимият вакиллик органларида “Адолат” СДПнинг депутатлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, бу натижалар партиянинг нуфузи ошиши, маслакдошларимиз сафи кенгайишида муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Масалан, 2015 йилнинг ўзида “Адолат” СДП аъзоси бўлиш учун ариза берганлар сони беш юз кишига яқинлашиб қолди. Уларнинг кўпчилигига партия билетлари тантанали равишда топширилди. БПТ миқдори ҳам биринчи чоракда йигирма бештага кўпайди. Улардан олтитаси туманлардаги электр тармоқлари корхоналарида тузилгани диққатга сазовордир.

Бу ҳақида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги “Адолат” СДП гуруҳи аъзоси, “Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти раҳбари Шухрат Давронов шундай дейди:

— Энг аввало, партиянинг Сайловолди дастурида биз нурчиларнинг фаолиятига дахлдор қатор масалалар илгари сурилгани ҳамкасбларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, жамоамиз олдида турган энг муҳим вазифалар орасида иқтисодиёт тармоқларига ва аҳолига электр қувватини узлуқсиз етказиб бериш алоҳида ўрин

тутади. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришга энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни жорий этиш, қувватлардан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Партия Сайловолди дастурида ҳам шу масалалар ҳусусида алоҳида қайд этилган. Бунинг билан ҳамкасбларимиз “Адолат”ни ўз партияси деб ҳисобламоқдалар.

Яқинда биз Янгикўрғон туман электр тармоқлари корхонасида бўлдик. Уша кун бу ерда “Адолат” СДП бошлангич ташкилоти тузишга бағишланган йиғилиш ўтказилиши режалаштирилган эди. Белгиланган пайтда нурчилардан йигирмага яқин киши маънавият ва маърифат хонасида тўпланди.

Йиғилишни корхона раҳбари Тўлқин Жўрабоев очди. У мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида гапирди. Бу борада сиёсий партиялар, жумладан, “Адолат” СДП томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Эътиборлиси, йиғилиш қатнашчиларининг аксарияти сўзга чиқиш истагини билди-

ришди. Улар ўз сўзида “Адолат” СДПнинг Устави ва Сайловолди дастури ўзларига маъқул келганини эътироф этдилар. Электромонтёрлар Одилжон Отабоев, Санжарбек Эрнazarов, Алишер Турсунов, иш юритувчи Мохира Хасанова, ҳайдовчи Комилжон Турғунов ва партияга аъзо бўлишга қарор қилган бошқа муштахассислар ҳам бу фикрга қўшилишди. Шундай қилиб, Янгикўрғон электр корхонаси ходимларидан 12 нафари “Адолат” сафига кириш учун ариза берди. Яна бир қатор нурчилар эса партия фаолияти ва шунга доир адабиётлар билан танишмоқдалар. Демак, янги БПТ аъзолари сони янада кўпаяди. Бу эса адолатчилик ҳолати, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, “Адолат” — қонун устуворлигида таъминлини амалиётга янада кенг жорий этиш ғоялари тарафдорлари сафи кенгайиб бораётганлигидан далolatдир.

— Корхона жамоаси билан бир неча бор учрашув ўтказдик, — дейди Янгикўрғон туман партия кенгаши раиси Дилфарўз Тўхтасинова биз билан суҳбатда. — Уларга, аввало, партиянинг Устави ва Сайловолди дастури ҳақида сўзлаб бердик. Партиянинг фаолиятига доир адабиётлар ҳам етказилди.

Қувонарлиси, бу корхонада ҳам янги БПТ сиёсий куч таянчи бўлган бошлангич партия ташкилотлари сафига қўшилди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Адолат» муҳбири



Ўзбекистон “Адолат” СДП хабарлари

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Хива туманидаги Ахборот технологиялари коллежида Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилояти кенгаши томонидан “Баркамол авлод – юрт таянчи” мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Унда сўзга чиққан партиянинг фаоллари мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук, жисмонан ва маънави равишда инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидладилар. Зеро, халқимиз ўз буюк келажигини кучли, билимдон, интеллектуал салоҳият-ли, юксак маънавиятли ёшларда кўради.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга замонавий билимларни пухта эгаллашлари, ўз иқтидорларини намоён қилишларига кўмаклашиш “Адолат” СДПнинг асосий вазифалари сирасига киради. Вилоят партия кенгаши томонидан таълим муассасалари ва бошқа масканларда “Ёшлар — юрт таянчи”, “Буюк юрт фарзандларимиз”, “Оилада маънавий тарбия”, “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда партиянинг ўрни” каби ўнлаб мавзуларда учрашув ва давра суҳбатларининг ўтказилиши навқирон авлод тарбиясида ҳаётини аҳамият касб этиш билан бирга, партиянинг истаъдодли ёшларнинг хайрихоҳлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шунингдек, учрашувда иқтидорли ўқувчилар Ватан, истиқлол ва ёшлар мавзусидаги ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

Янгича ёндашувлар сиёсий куч фаоллигини оширади

Давоми. Боши 1-бетда

Фидойи сафдошимиз бошқараётган худудий ташкилот бугун партия тизимидаги кучли бўғинларнинг бирига айланган. Қувасойлик социал-демократлар партиявий фаолиятга янгича назар билан қараб, иш билан сўз бирлигини таъминлашга эришмоқдалар. Улар қўзлаган режалар қоғозда қолиб кетмапти. Ҳаётда ўз ифодасини топиб, партиявий ўсиш ва юксалишларга йўл очмоқда. Ваҳоланки, Қувасойда яқин йилларда ҳам “Адолат” СДП аъзолари сони жуда камчилигини ташкил этарди. Боз устига шаҳар партия кенгаши ўзининг биносига ҳам эга эмас эди. 2012 йилнинг апрель ойида кенгашига тажрибали раҳбар, иқтисод фанлари номзоди Дилором Меҳмонова раис этиб сайланди-ю, ишлар юришиб кетди.

Албатта, ҳар қандай сиёсий партия, аввало, ўз электорати манфаатларини тўла ифода этиши лозим. Сиёсий кучнинг бундай саъй-ҳаракати, аввало, электорат ва тарафдорларнинг ишончини қозонишга, халқ орасидаги обрў-эътиборини кучайтиришга йўл очади. Янгича ёндашувлар сиёсий куч фаоллигини оширади. Ўзини партиявий ишларга бағишлаган кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ ишлар ҳам яхши самара беради. Шунингдек, элда танитилган обрўли кишиларни партия сафига қабул қилиш, уларнинг сонини кўпайтириш, ҳар бири билан яқиндан ишлаш ҳам фойдалидир. Бу тажрибани фаолиятда қўллаган қувасойлик маслакдошлар кўйи бўғинлар фаолиятини бирмунча кучайтиришга эришди. Биргина ўтган 2014 йилнинг ўзида Қувасойда олтига янги бошлангич партия ташкилоти тузилди. Аъзолар сони 700 нафардан ортди.

Қувасойлик сафдошлар Ўзбекистон “Адолат” СДП олға сураётган ғояларни астойдил қўллаб-қувватлаб, партиянинг Сайловолди дастурида 6 та йўналиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишга интиломоқда. Айниқса, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, сингдириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, республикамиз иқти-



содий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қиладиган замонавий инновацион лойиҳалар ва ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, ижтимоий ҳимо-

“Адолат” СДП хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, сиёсий, ижтимоий мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш тарафдори.

(Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

яни кучайтириш, муқобил энергия манбаларини такомиллаштириш каби муҳим партиявий масалалар улар фаолиятининг асосига айланмоқда. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши қувасойликларда партияга бўлган қизиқишни оширмоқда ва хайрихоҳларни кўпайтиряпти.

— Қўлга киритаётган ютуқларимизда фаол, ташаббускор сафдошларимиз билан бирга халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашидаги 7 нафар депутатимизнинг алоҳида ҳиссаси бор, — дейди Дилором Меҳмонова. — Масалан, “12-Муян” сайлов округидан сайланган депутат Зоиржон Иброҳимов худуддаги сайловчиларнинг талаби билан уч юз метр масофага тортилган тоза ичимлик суви тармоғини ишга туширди. Шунингдек, Қувасой шаҳар “Коммунализмат” МЧЖ маблағлари ҳисобига бир неча кўчаларни таъмирлатиб, асфальт қилдириб берди. Қишлоқдаги қабристонни ободонлаштиришга кўмаклашди. Катта йўл ёқасидаги ташландиқ жойга

ишлов берилиб, 2 минг туп мевали кўчат экилди ва янги боғ барпо этилди. Унинг амалий саъй-ҳаракатлари билан “Муян” қишлоқ фуқаролар йиғини қошида 1 та янги БПТ тузилди. Аини пайтда мазкур БПТга ҚФЙ раиси Азиза Умарова бошчилик қилмоқда.

Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутати, партиянинг фаоли Назиржон Алимов сайловчиларнинг тақлиби билан шаҳардаги Алишер Навоий номи кўчада жойлашган кўп қаватли уйларда яшовчи Афғон уруши қатнашчиларининг турар-жойларини хомийлик маблағлари ҳисобига таъмирлашга бошқош бўлди. “Найман” сайлов округидан сайланган депутатимиз Мўсинжон Меҳмонов эса тадбиркорлик фаолиятидан топган даромадининг бир

Қувасой шаҳар партия кенгаши бугунги кунда маҳаллий Кенгаш депутатлари ва фаоллар билан ҳамкорликда ўз ишини тобора кучайтириб бормоқда. “Адолат” СДПга хайрихоҳларни кўпайтиряпти. Замон билан ҳамнафас бўлиб, меҳнат жамоаларида, маҳалаларда кенг жамоатчилик билан учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил этипти. Долзарб мавзуда бир-биридан қизиқарли ҳаётда суҳбатлари ўтказмоқда. Одамларнинг партия ғояларига қизиқишини оширмоқда.

Шаҳар партия кенгаши аёллар тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашмоқда. Уйда ишламай ўтирган қизларга, аёлларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Биргина 2013 йилнинг ўзида уларнинг 216 нафари қўли гул тикувчига айланди. 2014 йилда 66 нафар киз чеварчилик сирларини эгаллаш билан бирга гўзаллик салони устаси бўлиб етишди. Шу тариқа Қувасойда аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида янги йўналишлар юзга келди. Оилавий тадбиркорлигини кучайтиришга ва шу орқали миллий андозадаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар шаҳримизда кўп-кўп аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлашга, оилалар фаровонлигини оширишга ёрдам бермоқда. Шунингдек, шаҳар партия ташкилотига қарашли ўқув марказида “Уста-шогирд” анъаналари асосида ёшлар “Бизнес асослари” бўйича сабоқ олишмоқда.

Қувасой шаҳридаги 30 та маҳалланинг деярли барчасида бўлиб, аҳоли билан маҳалаларни тадбиркорлик ва бизнес марказларига айлантиришнинг аҳамиятига қаратилган тадбирларни ташкил этдик. Зеро, маҳалла ҳар бир инсон учун азиз ва сеvimли маскан. Унда юксак қадриятларимиз юртдошларимизнинг маънавияти, ҳаёт тарзида яшаб, авлоддан авлодга ўтиб келади. Яна шунини айтиш жоизки, маҳалла билан яқиндан ишлаш сиёсий куч олдидаги мақсад ва вазифаларни юзга чиқаришда ҳаётини самаралар бериши шубҳасиз.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
“Адолат” муҳбири

РАСМЛАРДА АКС ЭТГАН МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан Жиззах санъат коллежида “Биз мустақил ёшларимиз, иллатларга қаршимиз” мавзuida расмлар танлови бўлиб ўтди.

Унда партия фаоллари, вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлинимаси, ҳамкор ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда “оммавий маданият” ва унинг инсон маънавиятига салбий таъсирлари ҳақида кўпчилик муайян тасаввурга эга, десак янгилишмаймиз. “Оммавий маданият”нинг турли қўринишларидан фарзандларимиз онг-шуурини асраб-авайлаш долзарб аҳамиятга молик. Айтиш жоизки, кенг жамоатчилик томонидан ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишлари самарали бўлмоқда. Бу борада “Адолат” партияси фаоллари ҳам муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда бир қатор тадбирларни ўтказиб келаяпти.



Глобallaшув даврининг муаммоларидан бири — “оммавий маданият” орқали маънавият ва ахлоқий тарбияга зид бўлган иллатлар ҳам дунёда тарққалини кузатишмоқда. Бундай иллатларга қарши



курашишда, аввало, ёшларнинг ўзи фаоллик кўрсатиши жуда муҳимдир. Мазкур танловда бу жиҳат яққол намоён бўлганлиги барчани қувонтирди.

Танловда “Биз мустақил ёшларимиз, иллатларга қаршимиз” мавзуси юзасидан ўқувчилар чизган расмлар намоийиш этилди. Якуний натижаларга кўра, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги “Сайилжойи” академик лицейи III босқич ўқувчиси Ўткир Ҳотамов I-уринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Жиззах педагогика коллежи II босқич ўқувчиси Чарос Раҳимова, Арнасай туманидаги Транспорт касб-ҳунар коллежи III босқич ўқувчиси Зулфира Исканова сазовор бўлишди. Ғолибларга ҳамда танловда фаол иштирок этган 10 нафардан ортиқ ёшларга партиянинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Жиззах санъат коллежи ўқувчилари ижросидаги бадий чиқишлар барчани ҳушнуд этди.

Жасур ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилояти кенгаши матбуот котиби

Бола кулса олам мунаввар...

Фарзанд — инсон ҳаётининг тотли меваси. У қалбларга қувонч, дилларга шодлик бахш этади. Беғубор кулгисидан олам мунаввар. Осмон мисол мусаффо, тим қора кўзларига, нурли чеҳрасига боқиб, кўнгиллар ёришади. Болакайнинг бўйрон тилда бераётган саволлари эса ҳар қандай одамни шошириб қўяди.

Ер юзиде эртанги кун, авлодлари тақдири ҳақида қайғур-майдиған бирон халқ бўлмаса керак. Айниқса, ўзбек борки, ўзи емаса ҳам, киймаса ҳам боласини ўйлайди. Фарзандини деб ўзини ўтга, чўққа уради. Мақсад битта: фарзандини вояга етказиб, эл қаторига қўшиш, унинг камолини кўриш. Юртимизда ёш авлод тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар айна шу эзгу ният-мақсад рўёбига хизмат қилаётир.

Бағридаги фарзандига меҳр билан термилиб ўтирган “Бахтиёр она” сиймоси қаршисида кўнгилдан шундай ўй-мулоҳазалар ўтади. “Ватанимиз юраги” дея таърифланадиган мамлакатимиз пойтахтининг бош майдонида барпо этилган мажмуалар ғоят мафтункор, гарчи жаҳон меъморчилик тажрибаларининг илғор тамойиллари сингдирилган бўлса-да, миллий заминга эга. Монументал санъат асари намунаси — “Бахтиёр она” ҳайкали ҳам миллат кўзгуси сифатида болалар халқимизни англайтиб туради.

Ўзбекистон рамзи бўлмиш шарсимон мустақиллик тимсоли монументи билан “Бахтиёр она” ҳайкали мазмун-моҳиятига кўра, мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини рамзий тарзда уйғунлаштирган. Улар “Эзгулик аркаси” билан бирга оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак орқали яхлит ансамбли ташкил этади. Бу яхлитлик гўзал ва муаззам мажмуанинг ўзига хос қиёфасини белгилайди.

Эътироф этиш керакки, истиқлол тинч ва фаровон ҳаёт кечириб, фарзандларимиз орзу-истаклари рўёбини кўриш имконини берди. Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган алоҳида ёттибор қаратиб келинмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан дунёнинг 193 давлати қаторида 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган. Мазкур Конвенцияда белгиланган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча болаларнинг тенглиги ва уларга нисба-

тан камситишнинг барча шакллари йўқ қилиш, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини комплекс амалга ошириш бўйича мажбуриятлар Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётир.

Конституцияимизнинг 64-моддасига кўра, «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарлига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради». Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни 11-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга ҳилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи, шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Қатор йиллардан бери ўтказиб келинаётган уч босқили “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари ҳам фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, мустақил Ўзбекистон номини дунёда улуғлайдиган

маҳоратли ёш спортчилар етишиб чиқишига замин яратмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига бормайлик, болаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан қувончнинг ортади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2002 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Худудларда болалар спорт объектларининг кенг миқёсда қурилиши ва белгиланган меъёрлар асосида жиҳозлашни ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича амалга оширилаётган мақсадли ишлар натижасида спорт билан мунтазам шуғулланадиган 6-15 ёшдаги болалар сонининг кескин ортишига эришилди. Рақамларга мурожаат қилсак, 1991 йилда спорт билан шуғулланадиган болалар 199 626 нафарни ташкил этган бўлса, бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Биргина 2014 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 163 та объект, жумладан, 115 та болалар спорти иншооти фойдаланишга топширилди.

Ота-оналар ҳам фарзандлари келажаги олдида юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, уларни спорт тўғрисидаги жалб этаётди. Натижада кейинги ўн йил ичида 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида 44 килограммдан 48 килограммга ортди. Шунингдек, болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида 3 сантиметрга, қиз болалар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсди. Табиийки, бу рақамлар, бу саъй-ҳаракатлар замирида жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам.

Афсуски, дунёнинг барча мамлакатларида ҳам болаларни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш масаласига эътибор бу даражада эмас. Миллионлаб болалар ўқитиш учун шароит йўқлиги сабабли бошланғич таълим олмай, алифбонинг нималигини ҳам билмай улгаймоқда. Янада ачинарлиси, жаҳоннинг у ёки бу бурчагида қонли урушлар ҳамон юз бериб турибди. Қуроли тўқнашувлардан энг кўп азият чекаётганлар эса инсоният келажаги бўлмиш болалар ҳисобланади.

Албатта, БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ҳаётини турли-туман офатлардан асрашга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Жаҳон ҳамжа-

миятининг қашшоқлик ва очликни туғатиш, саводсизликка барҳам бериш, қочоқлар муаммосини хал этишга қаратилган чора-тадбирлари ҳам биринчи галда болаларга ғамхўрликни кўзда тутати. Чунки, юқорида тилга олинган иллатлар, аввало, болалар ҳаётини издан чиқаради.

Сайёраимизда 1 миллиарддан ортиқ одамнинг саводсизлиги, уларнинг аксариятини эса болалар ташкил этаётгани, баъзи ривожланаётган мамлакатларда мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқишдан кетишга мажбур бўлаётгани, ҳар йили дунёда миллионлаб гўдақлар турли хасталикларга чалиниб ҳаётдан кўз юмаётгани, тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекаётгани вазият нақадар аянчли эканини кўрсатиб турибди.

Шу боис, ҳозирги кунда бола ҳуқуқларини таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳам-жамиятининг доимий диққат-эътиборида. Бу бежиз эмас. Чунки ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболлини таъминловчи етакчи куч ҳисобланади. Болалар ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш эса давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамжиҳатлиқдаги саъй-ҳаракатлари тизимидан иборат. Бу борадаги халқаро стандартларни шакллантириш мақсадида декларациялар, резолюциялар, конвенциялар ишлаб чиқиш, бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус назорат органи тузиш, давлатларнинг миллий қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ЮНИСЕФ орқали халқаро кўмак бериш шулар жумласидандир.

Бола — оппоқ қороз, унга нимани ёзсак, келажакда шуни ўқиймиз, деган ақида бор. Шундай экан, дунё мамлакатларида ҳар бир болага меҳр-эътибор кўрсатилиши, уларнинг билим олиши учун қулайликлар яратилиши, бир сўз билан айтганда, ҳам маънан, ҳам жисмон баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистонда болалар манфаати давлат ва жамиятнинг мустаҳкам ҳимоясида. Зеро, болаларга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор замирида эзгу мақсад — жамиятимиз тараққиёти ҳамда Ватанимизнинг порлоқ келажagini қўриш истаги мужассам.

Сунондик МАМИРОВ,
«Adolat» мухбири

Тадбир

Ўзбекистон “Адолат” СДП Яккабоғ туман кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Қамолот” ЕИХ туман бўлими ҳамкорлигида “Вояга етмаган ёшлар ўртасида салбий иллатларга қарши курашни кучайтириш” мавзuida тадбир ўтказилди. Унда мазкур ташкилотлар фаоллари, ички ишлар, диний идоралар, ўрта махсус касб-хунар коллежлари вакиллари, ёш “адолатчи”лар иштирок этишди.

Камчиликларни бартараф этишда

ҳамкорликни кучайтириш лозим



Маълумки, вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш, улар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мутасадди муассасалар ходимлари, кенг жамоатчилик ва ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли бурчимиз саналади.

Юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар ўрганиши учун барча шароит яратилган, — деди туман партия кенгаши раиси Илҳом Хидиров. — Шу билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлодни турли манъавий таҳдидлардан асраш, улар шуғурида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдириш олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Юзма-юз мулоқот тарзида уюштирилган тадбирда мавзуга доир мавжуд муаммо ва камчиликлар таҳлил этилди.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Жамшид Нусуров ўз сўзида вояга етмаган ёшларнинг яхши хулқ-атворига эга бўлишида биринчи галда ота-она, маҳалла аҳли, ўқитувчи-тарбиячиларнинг роли катта бўлишини қайд этди. Ҳозирда турли интернет тармоқлари, хорижий телеканаллар орқали намоён этилаётган менталитетимизга хос бўлмаган сериаллар, жаҳолат ва ёвузликни тарғиб қилувчи видеотасвирлар ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилмаслиги таъминлаш борасида айрим камчиликлар ҳам учраётганлигини айтиб, уларни бартараф этишда биргаликда ишлаш, таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кучайтиришга ундадилар.

Мулоқотлар давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Тадбир учун уларда мафқуравий имунитет кучли бўлиши зарурлигига эътибор қаратди.

Салгина лоқайдлик ҳам инсон маънавиятига жиддий зиён етказиши ҳеч гап эмас. Бугун касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ҳузуридаги турли хил тўғараклар, спорт майдонлари, хунар устахоналари фаолиятида юза-қиликка асло йўл қўймаслик,

Комил САХАТОВ,
“Adolat” мухбири

Бўлажак расомлар намоёиши

“Қамолот” ёшлар ижод саройида республика “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий “Қамалок жилоси” расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танлов “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика “Сен ёлғиз эмассан” болалар жамоатчилиги жамғармаси ва “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилди.

Унда республикаимиздаги “Меҳрибонлик” уйларидаги 1500 нафар тарбияланувчилари иштирок этиб, вилоят босқичларида ғолиб деб топилган 100 дан зиёд акварел расмлар ва 80 дан ортиқ амалий санъат асарлари мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичига тақдим этилди ва ҳайъат аъзолари томонидан тасвирий асарлар йўналишида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган иштирокчилардан 3 нафар, 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилардан 3 нафар, амалий санъат асарлари йўналишида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган иштирокчилардан 3 нафар, 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилардан 3 нафар — жами 12 нафар ғолиблар ҳамда 7 та номинатлар бўйича совриндорлар аниқланди.

Кўргазма якунида ҳайъат аъзолари томонидан аниқланган “Қамалок жилоси” республика расмлар кўрик-танлови ғолиблари Халқ таълими вазирлиги ҳамда “Сен ёлғиз эмассан” жамғармасининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирландилар.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

С.ЖАББОРОВА,
“Adolat” мухбири

Замондошимиз — самарқандлик таълим фидойиси, олий маълумотли филолог, ўз фаолияти давомида бир қатор кўрик-танловларнинг совриндори Сайёра Маҳмудованинг бахт ҳақидаги тушунчаси оддий ва самимий.

— Менинг оилам, менинг фарзандларим ва менинг кадрдон ишим! — дейди С.Маҳмудова. — Уларга суяниб яшаётганим туфайли ҳар сафар турмуш синовларини енгиш учун ўзимда қучқувват топа оламан. Кўнглим эзгу ишлардан рағбат топиб, фахру ифтихорга тўлади.

Мақолани Сайёра Маҳмудованинг айна шу мулоҳазаларидан бошлаганимиз бежиз эмас. Оила бахти жамият бахтиёрлиги, фаровонлигининг тасдиғи. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги 158 та мамлакат орасида бахтли турмуш даражаси бўйича 44-ўринга, МДХ давлатлари ўртасида эса биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Мамлакатнинг жаҳон миқёсида тан олинандиган турмуш ўлчовлари даставвал ҳар битта оиланинг, шахснинг муносиб яшаш шарт-шароитлари билан белгиланишини назарда тутадиган бўлсак, Ўзбекистонда Сайёра Маҳмудова сингари бахтли инсонлар оиласи бисёр эканлигини яққол сезамиз.

Сухбатдошимиз Сайёра Маҳмудова зиммасидаги масъулиятни ана шундай



Эзгу фазилатларни болаликдан шакллантириш тарбиячилардан ижодкорликни талаб этади

теран англаган, жамиятдаги ижтимоий муносабатларга нисбатан сезгир, ҳозиржавоб инсон. Мана ўттиз бир йилдики, у мактабгача таълим муассасида ёш авлодни тарбиялаш билан шуғулланиб келади. Таълим жараёнида нафи тегадиган тажрибаларини, услубий тавсияларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишга, ўз навбатида, улардан ўрганишга интилади. Касбу қорига нисбатан талабчан, масъулиятли тарбиячилар меҳнатини рағбатлантиришга ҳаракат қилади. Таълим жараёнида замонавий даража ва моддий базани мустаҳкамлаш чораларини ишга солади. Шу

боис, у раҳбарлик қилаётган Сугдиёна мавзесидаги 99-мактабгача таълим муассасаси Самарқанд шаҳар Халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш маркази тасарруфидоги энг намунали тарбия масканларидан бирига айланиб улгурган.

— Фаолиятимизда ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг дастуридан ҳам фойдаланамиз, — дейди Сайёра Маҳмудова. — Мактабгача ёшдаги кичкинтойларнинг истак, иштиёқларига асосланган бу дастур болаларда ижодкорлик, ташаббускорлик хислатларини шакллантиришга йўналтирил-

ганлиги билан аҳамиятлидир.

Чунки ёшликда олинган илм тошга йўнилан нақш деганларидек, болаларда эзгу кўника, фазилатларни барвақт шакллантириш тарбиячилардан ҳам ижодкорликни талаб этади. Айни шу мақсадга мос иш юрита оладиган кадрлар таркибини саралаб олганимиз эса бугун ўз натижаларини бермоқда.

Дарвоқе, айни пайтда 99-МТМда 332 нафар болажонлар тарбия топмоқда. 14 нафар тарбиячи эса уларнинг ўсиб-улгайишлари учун масъул. Психолог Зубайда Нормуродова, услубчи Мансура Намозова, тарбиячилар — Дилноза Хидирова, Маъри-

➤ Ёшларга эътибор —
келажакка эътибор

Маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ривожланиб бораётган маданий-тарихий мероси ҳақида қайғуриш, қадрлаш ҳиссини ўсиб келаётган авлод онгига синдириш давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган ўстувор вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, миллий ғояга садоқатли ва маънавий юксак инсонларгина ҳеч қандай ёт, бузғунчи ғояларга эргашиб кетмайди, ўзининг мустақил ва мустаҳкам позициясига эга бўлиши мўқаррар.

Юртимизда ана шундай муҳим ва хайрли мақсад йўлида фаолият олиб бораётган муассасалар талайгина. Хусусан, маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиёти ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлашда ўзига хос тажриба ва амалиётга эга муассасалардан бири — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳисобланади.

Мазкур институт Президентимизнинг 2012 йил 4 июндаги "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан собиқ икки олий ўқув муассасалари — Тошкент давлат маданият институти ва Ўзбекистон давлат санъат институти негизига ташкил этилган бўлиб, институтнинг

энг муҳим вазифалари сирасига маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, га қодир, бадий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, миллий театр ва бадий ижод маҳоратини ривожлантиришга ҳисса қўиш, маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари қиради. Институтда "Театр санъати", "Қино, телевидение ва радио санъати", "Халқ ижодиёти" факультетлари ва магистратура бўлими мавжуд бўлиб, "Қўғирчоқ театри актёрлиги", "Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги", "Фольклор-этнографик жамоалари раҳбари", "Халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари", "Театршунослик", "Драматик театр ва

Маданият ва маънавият
ривожига ҳисса қўшаётган ўқув маскани

кино актёрлиги санъати", "Драма режиссёрлиги", "Техноген санъат: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги" сингари кўплаб йўналишлар бўйича 1412 нафар талаба тахсил олади.

— Институтда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими истеъдодли ва билимли талабаларни аниқлаш, уларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш ва олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи ташкилий марказ сифатида фаолият юритади, — дейди институтнинг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Зулхумор Норқўзиёва. — Бўлимда институт профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илғор илмий тадқиқот ишларига иқтидорли талабалар жалб қилиниши баробарида мамлакатимиздаги ва

хориждаги бошқа илмий марказлар ва институтлар билан алоқа ўрнатиш ишлари кенг йўлга қўйилган.

Ўқув даргоҳи талабалари томонидан олиб борилаётган изланишлар натижасида биргина 2013-2014 ўқув йилида 30 га яқин китоб, рисола ва 180 дан ортқ мақолалар нашр этилди. Ўз иқтидори ва билимини намойиш қилиш, амалда татбиқ эта олиш қўникмаси қучли, жамоатчилик ишларида фаол талабалар сафи кенгайиб бормоқда. Шохрух Абдурасулов, Чарос Хамидова, Азиз Матякубовлар Президент стипендиаси ва Навоий стипендиаси совриндори бўлди. Институтнинг 2 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари жамоа ифтихорига айланган.

Қувонарлиси, институтнинг

Ишончимиз комил, таълим замонавий демократик ва бағрикенг жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул умумий таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истасан пайтида ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу сабабли "Адолат" СДП давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори.

(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)



иқтидорли талабалари республика миқёсида ташкил этилган девяри барча маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Масалан, 2014 йил 8 апрелда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган "Энг намунали талабалар турар жойи" республика танловиди институтнинг 2-сонли ТТЖ 1-ўринини эгаллади. Олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган "Тафаккур синовлари" қўрик-танловининг худудий босқичида институтнинг "Катарис" жамоаси 1-ўринга муносиб қўрилди ва шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўланмани кўлга киритди. Шунингдек, шу йилнинг 7 майида "Юксак маъна-

вият авлод" республика фестивалининг "Ватан куйчиси" номинацияси (анъанавий ижро ва эстрада йўналиши бўйича) шаҳар босқичида 1-ўринга муносиб қўрилди ва республика босқичига йўланмани кўлга киритди. Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган "XXI аср — интеллектуал авлод асри" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда "Ижтимоий маданий фаолият" бўлими талабаси Вахобжон Ўрозматов 1-ўринни эгаллаган бўлса,

ёти" факультети "Чолғу" йўналиши бўлими 1-босқич талабаси Зухриддин Абдуллаев ва "Кино, ТВ ва радио санъати" факультети 3-босқич талабаси Жавохир Туратов 1-ўринни кўлга киритдилар.

Яна бир янгилик. Шу йилнинг 1-13 июнь кунлари институтда анъанавий "Талаба-ёшлар фестивали" ва "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди. Санъат ва маданият соҳаларида иқтидорли ёшларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган фестивалда соҳа мутахассиси ва иштиёқмандлари, абитуриентлар, уларнинг ота-оналари олий ўқув юрти фаолияти, ундаги ижодий жараёнлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, фестивалда талабалар томонидан саҳналаштирилган концерт дастури намойиш этилади ва унинг "Энг фаол талаба", "Энг яхши санъат ва маданият тарғиботчиси", "Энг яхши аёл хонанда", "Энг яхши эркек хонанда", "Энг яхши фильм (режиссёрлик, опера-торлик иши, овоз режиссёрлиги учун)", "Энг яхши бадий сўз ижрочиси" сингари 15 турдаги номинацияда ғолиб деб топилган фаол ёшлар институт маъмурияти томонидан тақдирланди.

Мухтасар айтганда, ёшларимизнинг ижодга, илм олишга бўлган интилишларини ўстириш, иқтидор эгаларини муносиб рағбатлантириш мақсадини кўзлаётган бундай тадбирлар ўз натижасини бериши мўқаррар. Зеро, ўқиб ва ўз истеъдоди, салоҳиятини намойиш қилиш учун барча шарт-шароитга эга олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бугунги ёшлар эртанги кунда жамиятда, мамлакатда, ҳатто халқаро миқёсда ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлишига ишончимиз комил.

Бобур ТУНГАТОВ,
«Adolat» мухбири

Reklama

Профессионал ижтимоий хизмат
жамоатчилик эътиборида

➤ Давлат дастури асосида

Қонуннинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда юқори малакали мутахассислар ва экспертлар нуқтаи назари билан бир пайтда амалиётчилар тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолият сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозимлиги алоҳида ўқтирилгани бежиз эмас.



Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда ёлғиз кексалар ва ногиронларга профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш" лойиҳаси доирасида пойтахтимизда ўтказилган йиғилишда шу ҳақида сўз юритилди. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ва хорижий нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур давра суҳбатининг асосий мақсади "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг кексаларга ҳамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга доир бўлимида қайд этилган "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда қўшимча ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга хизмат кўрса-

тишнинг комплекс тизими шакллантирилган. Ҳар йили давлат бюджетидан ҳисобидан 100 мингдан зиёд имконияти чекланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиб, 150 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланади. Ижтимоий хизматлар Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари ва ҳокимиятлар тизимидаги 700 та муассасада амалга оширилади. Аини пайтда ушбу хизматларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тизимлаштириш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, амалда татбиқ этишнинг аниқ принцип ва механизмларини тақомиллаштириш давр талабига айланган ва шу боис юқорида номи келтирилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ўстувор аҳамият касб этмоқда.

Қонун лойиҳасида кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг асосий принцип

ва механизмлари, шунингдек, ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари акс эттирилиши кўзда тутилган бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий хизматлар кўрсатиш турлари ва шакллари, ушбу соҳада давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа масъул идора ва хизматларнинг ваколатлари, мажбуриятларига оид меъёрлар ҳам ўрин эгаллаши режалаштирилган.

— Мазкур қонун лойиҳаси ягона интерактив хизматлар портали — www.mugov.uz да ҳам жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган бўлиб, истасан фуқаро ёки жамоат ташкилоти лойиҳани мукаммаллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсияларини бериш имконияти яратилган, — деди Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Сардор Абдуқудозов. — "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунда белгиланган меъёрларга асосан янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнига тегишли соҳа вакиллари жалб этиш, лойиҳани уларнинг амалий ва ҳуқуқий таклиф ҳамда тавсиялари билан янада сайқаллаштириш, бойитиш мақсадида юртимизда фаолият юритаётган жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари бугунги йиғилишга жалб этдик. Амалиётда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар билан яқиндан муносабат ўрнатаётган ушбу жамоатчилик вакиллари учун мажбуриятларининг ҳар бир фикр-мулоҳазаси ва таклифлари лойиҳани тақомиллаштиришга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Давра суҳбатига сўз олган иштирокчилар ижтимоий хизмат ва уларнинг турларини аниқлаштириш, хизматнинг манзиллилиги ва мақсадлилигини таъминлашга қаратилган фаолият юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга оид фикр-мулоҳазаларни билдиришди. Тадбирга таклиф этилган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини ҳизқитирган саволларга жавоб олишди.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

"BUXORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ
ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Когон шаҳар ҳокимининг 2015 йил 01 майдаги 182-сонли ҳамда 2014 йил 11 августдаги №442-сонли қарорларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари танлов савдоларида қўйилмоқда:

1. Бухоро вилояти Когон шаҳар Бобур МФЙ худудидан Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда иккинчи ва учинчи қаватларида турар-жой бинолари қуриш учун ажратилган 200,0 кв.метрдан иборат ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 149 376 сўм.

2. Бухоро вилояти Когон шаҳар Хўжабарги МФЙ худудидан Савдо мажмуаси ва ўшт дўкони биноси қуриш учун ажратилган 50,0 кв.метрдан иборат ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 25 895 сўм.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) қабул қилинади ва 2015 йил 29 июнь кун соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Когон шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 30 июнь кун соат 11:00 да очилади, 2015 йил 30 июнь кун соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилди.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 30 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йилнинг 07 ва 14 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар 2015 йил 07 ва 14 июль кунлари соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида очилади ва комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилди.

Хоразм вилоятидаги
«Умид» лойиҳа хусусий фирмаси
жамоаси

озод Ва обод юртимиздаги
Барча болажонларни 1 июнь —
Халқаро болаларни ҳимоя қилиш
кунини билан самимий табриклайди.

Бахту саодатимиз, нурли кела-
жагимиз, қувончу шодликларимиз
сизлар билан, азиз кичкинтойлар!

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомани берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридидаги закатлати закатлат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган қуйидаги банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

ДТ Халқ банки Бухоро филиали, х/р:

20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377.

Танлов ташкилотчиси — "BUXORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ. Манзили: Бухоро шаҳар,

Мустақиллик кўчаси 10-уй. Тел: (+99893) 960-69-00,

факс: (0365) 221-54-43. электрон почта: www.bgr-gl.uz.

Лицензия № RL 0171.

Reklama

Мулкни ижарага беришдаги солиқлар

➤ Солиқ почтасидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларидан тўланадиган даромад солиғи бўйича жисмоний шахслар томонидан турар жой ва нотурар жойларни ҳамда автотранспорт воситаларини ижарага беришда ижара тўловининг қатъий меъёрлари белгиланди.

Унга кўра, ўтган йилдагидек, жисмоний шахсларни уй-жойнинг 1 м² учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб белгиланган табақалашган миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилди. Яъни, Тошкент шаҳрида — 3,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда — 2,0 минг сўм, бошқа аҳоли пунктлари — 1,0 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, нотурар жойларни ижарага беришда, Тошкент шаҳрида — 6,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда — 4,0 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида 2,0 минг сўм қилиб белгиланди.

Шулар билан бир қаторда, жорий йилдан жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорлари 2014 йилдагидек қолдирилди. Енгил автомобиллар (йўловчи, юк ташуш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўриндиғини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та ўриндиқчага бўлган автотранспорт воситалари) битта автотранспорт воситаси учун 220 минг сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва юк ташуш автомобиллари учун 430 минг сўмдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра, жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкни ижарага беришдан олган даромади жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ шқаласининг минимал ставкасида солиққа тортилади, яъни 2015 йил 1 январдан 8,5 фоиз ставкада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоблаб, ундирилади.

Солиқ кодексининг 192-моддасига биноан эса, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солини-маса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугагандан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим қилинади. Мол-мулкни ижарага бе-

ришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.


Шунингдек, Солиқ кодексининг 193-моддасига кўра, мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунига-ча тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Эътибор бериш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 159-моддасига биноан фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланганига риоя қилмаслик — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўш барабаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар давлат солиқ органлари томонидан қонунчиликнинг ушбу талабларига риоя этилиши юзасидан мунтазам ишлар ташкиллаштирилиб, қонунбузарларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўришмоқда.

Азизжон ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

Миррихда уй қурамыз



АҚШ космик агентлиги NASA келажақда Миррих ва бошқа сайёраларни ўзлаштиришда асқотадиган технологиялар ҳамда 3D тизимида қуриладиган иншоотлар учун тендер ўълон қилди. Икки босқичда ўтадиган танлов учун агентлик 2,25 миллион доллар сарфлашни режалаштирган.

Шу йилнинг 16 майида бошланган биринчи босқич 27 сентябрда якунланади. Унда иштирокчилар 3D тизимида маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қуриладиган меъморий иншоотлар лойиҳаларини тақдим этишлари лозим бўлади. Қурилишда, шунингдек, 3D-принтерни бошқа сайёрага етказиб борган қурилма қисмлари ва деталларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган.

Ҳозирча NASA ўттизтадан ошмаган миқдордаги лойиҳаларни кўриб чиқмоқчи. Биринчи босқичи 50 минг доллар мукофот олади.

Жорий йилнинг 28 сентябридан танловнинг асосий босқичи бошланади. Унда иштирокчилар биринчи босқичда энг яхши деб топи-лан лойиҳа асосида, маҳаллий материалларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш ишларини юритадиган қурилма яратишлари лозим бўлади. Бу босқичнинг ҳар иккала бўлибига 1,1 миллион доллардан мукофот берилиши кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамыз, NASA ўзга сайёраларни ўзлаштиришнинг кенг қўламли дастурига эга. Дастур доирасида йигирма йилдан бери дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги талаба-дизайнерлар ўртасида мусобақалар ўтказилиб келинади. Унда иштирокчилар ўзга сайёрадаги бўлгуси мини-шаҳарларнинг лойиҳаларини намойиш этадилар.

Дарвоқе, яқинда Россиянинг беш фуқароси келажақда Миррихга бориб яшайдиган юз нафар ерлик рўйхатидан ўрин олди.

Ҳозирча эса мамлакатдаги Tethers Unlimited аэрокосмик компанияси очик фазода кўёш панеллари, антенналар ва бошқа ускуналар яратишга қодир тизим устида иш олиб бормоқда. "SpiderFab" номи-ни олган бу лойиҳани "Ўргимчак иши" деб таржима қилиш мумкин. Зеро, юқоридаги вазифаларни бажариш учун коинотда айнан ўргимчакка ўхшаш роботлар иш олиб боришади.

Ўргимчак-роботлар фазога жамланган ҳолда олиб чиқилган модуллардан белгиланган қурилмаларни йиғадилар. Анча арзонга ту-шадиган бундай инновацион технология ёрдамида қисқа муддатда очик фазода ўлчамли футбол майдонига тенг қурилмани бемалол яратиш мумкин, дейишмоқда мутахассислар.

Тадқиқотчилар дастлабки "ишчи-роботлар" гуруҳи 2020 йилнинг бошларида фазога йўлланилишини тахмин қилишмоқда.

Бир мақоланинг... 5154 муаллифи



Physical Review Letters журналида ўтган ҳафта чоп этилган физика бўйича мақола муаллифлар сони жиҳатидан дунё рекордини янгилади. 33 саҳифали матннинг дастлабки 9

бетида мақоланинг ўзи билан танишиши мумкин, холос. Қолган саҳифалар эса фақат муаллифлар рўйхати ҳамда улар ишлаётган илмий муассасалар номи билан тўлган.

Эслатиб ўтамыз, бу борада аввалги энг юқори кўрсаткич 2008 йили уч минг муаллиф ҳамкорлигида чоп этилган мақолага тегишли эди.

Хиггс бозони массасини аниқлаш масаласи бўйича салмоқли илмий аҳамиятга эга бўлган мазкур мақола икки гуруҳда иш олиб бораётган олимларнинг меҳнати туфайли юзага келди. Ҳар бир гуруҳда ўнлаб мамлакатлар ва институтларнинг тадқиқотчилари фаолият юри-тишган. Шу сабабли ҳам мақолада мавзуга алоқадор тадқиқотчиларнинг барчаси исм-шарифлари келтириб ўтилишига келишилган.

Физика соҳасида бундай "гипермуаллифлик" ҳолатлари учраб туради. Мисол учун, 2012 йили айнан Хиггс бозони мавзусидаги мақолага 2932 муаллиф имзо чек-канди. Бироқ, бундай ҳолатга кескин эътироз билдирув-чилар ҳам илм оламида йўқ эмас. Жумладан, G3 журна-лида жорий йилнинг 13 майида пашшалар геноми мав-зусида чоп этилган мақола муаллифлари сифатида 1014 олим кўрсатилган. Қизиги шундаки, рўйхатда тадқиқот ишида шунчаки ёрдам бериб юрган 900 дан ортик тала-банинг ҳам исм-шарифи учрайди. Танқидчилар бундай узундан-узоқ рўйхатлар муаллифлик гоёсини чипкакка чиқаради, зеро, фақат муайян муаллифига ўз илмий изланиши натижаси билан фан тараққиётига мустақил ҳиссасини қўша олади, деган фикрларни айтишмоқда.

Интернет хабарлари асосида
«Adolat» мухбири **Бобур ТУНГАТОВ** тайёрлади.

«Урганч лойиҳа сервис» МЧЖ жамоаси

**юртимиз аҳлини ва барча жажжи кичкинтойларни
1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни
билан чин қалбдан самимий қутлайди!**



Фарғона «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик компанияси жамоаси

**бахтли келажагимиз тимсоли,
ҳаётимиз мазмуну —
жажжи кичкинтойларни
1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни
билан чин дилдан қутлайди!**

**Мустақил юртимизнинг
азиз ва бахтиёр фарзандларига
соғлиқ, шоду хуррамлик тилаймиз.
Гулгун чехраларингиздан табассум аримасин,
болалик қувончи ҳеч қачон тарк этмасин,
истиқболингиз порлоқ бўлсин!**

**“SUVSANOATMASH” AJ
жамоаси**

**жаннатмонанд юртимизда
камол топаётган болажонлар.
жажжи кичкинтойларни
1 июнь —
Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни
билан самимий қутлайди!**

**Янги авлод жисмонан ва ақлан
баркамол бўлиб вояга етиши,
ўсиб-улғайиб, юртимиз довуруғини
оламга таратиши, улуг аждодларимизнинг
муносиб вориси эканини амалда
намоён этишига астойдил тилакдошимиз.**



Хурматли тадбиркорлар!



«АСАКА» БАНК

«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:


Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ва/ёки амалдаги ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш.
Карздор	«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар; ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар. «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича: Ўзбекистон Республикаси резидентлари — хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари.
Кредит мақсади	«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун: - асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш; - стратегик инвестициялар. Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун: - асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; - асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш. «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича: Импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капитални шакллантириш харажатларини қоплаш.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

Жисмоний шахслар учун
ОМОНАТЛАР

Жисмоний шахслар учун омонатлар — бу сизнинг бўш пул маблағингизни нафақат кўпайиши, балки уни хавфсиз сақланишидир.

Сизнинг омонатингиз:

- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади;
- банк сирини ҳисобланади;

Омонатларни қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

Ипотека-банкдаги омонатингиз фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Тел.: (371) 150-89-56

ИПОТЕКА БАНК

Хизматлар лицензияланган.

www.ipotekabank.uz

«Фарғона марказий деҳқон бозори» АЖ
жамоаси

ҳаётимиз мазмунини, бахту саодатимиз
бўлган азиз кичкинтойларни

1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни билан
чин дилдан табриклайди.



БОЛАЖОНЛАРИМИЗ КЎЗЛАРИДА ДОИМО
ҚУВОНЧ НУРАЛРИ ЧАҚНАБ ТУРСИН!

Хизматлар лицензияланган.

«Попдонмахсулотлари» АЖ
жамоаси

обод диёримиз фарзандлари бўлмиш
болажонларимизни

1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни
билан муборакбод этади!



Хонадонларимиздан
кичкинтойлар кулгиси
ҳеч қачон аримасин,
жамми ўғил-қизлари-
мизни байрам шукўҳи
асло тарк этмасин.

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҲАМРОЕВ

Тахрир ҳайъати:

Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Рустамжон Аҳмадалиев
Навбатчи — Илс Сахатов

«Адолат»дан қўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0018 рақами билан
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop
этилди. Корхона манзили: Тошкент
шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма
табкок. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 500. Адади — 11877
Босишга топшириш вақти — 21.40
Босишга топшириш вақти — 22.40
Баҳоуси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



1 2 3 4 5